

*Ўша жойда қаралсин.*

*Гермогенов М.А. Основные направления и проблемы государственного регулирования туризма в РФ. / Туризм и отдых. – 2007. – №7. – С. 42 – 46.*

## **МИНТАҚАДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

*А.А.Саъдуллаева, и.ф.ф.д. (PhD)*

*Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар,  
саноат ва ташқи савдо вазирлиги*

Туризм соҳасининг барқарор ривожланиши бевосита ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланишига, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам механизмлар билан асосланганлигига боғлиқ ҳисобланади.

Бугунги глобаллашаётган дунёда туризмнинг ривожланиши халқаро туристик ташкилотлар, жумладан, БТТ (Бутунжаҳон туристик ташкилоти) томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шунингдек, жаҳондаги ҳар бир давлат ўз туризм соҳаси ривожланишини ишлаб чиқилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ёрдамида назоратга олади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилинган даврлардан бошлаб, туризм соҳасини давлат сиёсати даражасида ривожлантиришга эътибор қарата бошлади. Дастлаб, 1999 йил 20 августида Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат туризм билан бошқа тушунчаларга ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, мамлакатимизда туризм соҳасини барқарор ривожланиши учун кўплаб Президент ва ҳукумат фармонлари, қарорлари қабулди.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожланишидаги туб ўзгаришлар 2016 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4861 сонли «Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [1] фармонини қабул қилиниши билан боғлиқ. Мазкур фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоғи сифатида ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Шунингдек, айнан шу санада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги [2] қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил қилинган ҳамда мазкура кўмита фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари белгилаб берилган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мамлакатимизнинг барча минтақаларида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш [3] муҳим вазифалар сифатида илгари сурилган.

Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодий стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантириш бўйича “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ” [4] қабул қилинган. Мазкур концепциясига мувофиқ, 2025 йилга бориб, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 9,3 млн.га нафарга, туризм хизматлари экспорти ҳажми 2,2 млн.долларга, ички сайёҳлар сони 25 млн.нафарга, меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сонини деярли 3 мингтага, жойлаштириш воситаларидаги хоналар сонини 60 мингдан зиёдга етказиш, меҳмонхоналардаги ўринлар сонини 130 мингдан ошириш ҳамда туроператорлар сонини 1676га кўпайтириш мақсадли кўрсаткич сифатида белгиланган (1-жадвал).

Бугунги кунда, мамлакатимизнинг барча туристик минтақаларини ривожлантириш мақсадида кўпгина меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, манзилли дастурлар қабул қилинмоқда. Биз тадқиқот иши давомида, диссертация ишимизнинг объекти бўлган Хоразм вилоятида туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилдик.

Хоразм вилояти мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби муҳим туристик марказларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун ҳар битта туристик ҳудудни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда туризм соҳасини ривожланиши бевосита ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уларни самарали ишлашига боғлиқ.

Сўнги 4-5 йил давомида вилоят туризмни ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан бир қанча манзилли дастурлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу манзилли дастурларнинг амалда бажарилиши натижасида Хоразм вилоятида туризм индустриясини йилдан ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Хоразм вилояти ҳокимининг вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қарор, фармон, чора-тадбирлар режаси ва йўл хариталарида берилган топшириқлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини таҳлил қилганимизда, Хоразм вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида жами 18 та ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятига 4 та ташрифи давомида берилган топшириқлар, 6 та қарори, 3 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигида ўтказилган 1 та йиғилиш баёни ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича мунтазам равишда мониторинг юритилмоқда. Шунингдек, ушбу қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда берилган топшириқлар ижросини вилоятда ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарор, фармонлари ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

**2019 – 2025 йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш  
Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари [5]**

Т/	Кўрсаткичлар номи	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (млн)	4,8	5,9	6,2	6,3	7,8	7,4	8,7	9,3
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллари)	951	1 166,9	1 271,9	1 399,1	1 553	1 739,4	1 965,5	2 232,8
3.	Ички туристлар сони (млн)	14	15,6	17,2	18,8	20,3	21,9	23,4	25
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	910	1 098	1609	2 394	2 562	2 715	2 851	2 994
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	22,0	24	33,7	48,7	52,1	55,2	58,0	60,9
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	47,8	52,5	73,6	105,9	113,3	120,1	126,1	132,4
7.	Туроператорлар сони (нафар)	957	1 053	1 158	1 262	1 325	1 458	1 531	1 676

2017 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2953-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур Дастурнинг асосий мақсади Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги янада ривожлантириш, ҳудудларнинг замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ички туризмни фаоллаштириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, янги ишчи ўринларини яратиш ва маҳаллий аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш ҳисобланади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 11 226,0 млн.сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ушбу Дастур доирасида 5 та бўлимда 63 та банд бўйича белгиланган тадбирлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4861 сонли «Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 02.12.2016 йил.  
<https://lex.uz/docs/3077025;>

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666 сонли «Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш Давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори;*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони;*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризми жадал ривожлантиришига оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида Фармони 1-ИЛОВА;*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризми жадал ривожлантиришига оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида Фармони, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш ИЛОВА.*

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*У.И.Джуманиязов, и.ф.ф.д. (PhD)*

*Тошкент давлат иқтисодий университетини*

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири – бу, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ҳисобланади.

Сўнги 6 йил давомида республика олий таълим тизимини халқаро стандартларга мос равишда комплекс ривожлантириш, хусусан соҳада самарали бошқариш механизмларини жорий қилиш асосида сифатни ошириш, таълимни рақамлаштириш, олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш борасида салмоқли амалий ишлар бажарилди. Ўз ўрнида, ушбу қайд этилган натижаларга эришиш имконини берадиган қонунчилик негизи яратилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида олий таълим тизимини ҳам илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш борасида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонунчилик ҳужжатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони соҳани стратегик ривожлантиришда муҳим концептуал ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳужжатга асосан қуйидагилар назарда тутилган:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил